

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИДА КРЕДИТНИНГ ҚАЙТМАСЛИК ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ

Алиқориев О.Ф., и.ф.н., доц., Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,
Абдурахманов Р.А., Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси
Абдуллаев Ш.О., Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ходими

Аннотация. Иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш жараёнида кредитларнинг қайтмаслик даражаси таҳлили молиявий институтлар учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу таҳлил кредит сиёсатини шакллантириш, таваккалчиликни бошқариш ва банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ушбу мақолада кредит қайтмаслигига таъсир этувчи омиллар, уларни баҳолаш усуллари ва таҳлил механизмлари кўриб чиқилади. Шунингдек, турли соҳаларда кредитлар бўйича дефолт даражасини камайтириш бўйича тавсиялар ҳам тақдим этилади. Тадқиқот натижалари молиявий ташкилотларга самарали кредитлаш стратегиясини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Калит сўзлар: кредит, банк, харажат, тўлов, молия, фоиз, мамлакат, миқдор, ставка, ҳудуд, риск, муаммоли кредитлар, кредит портфели, йўқотишлар, мониторинг.

АНАЛИЗ НОРМЫ НЕВОЗВРАТА КРЕДИТА В ПРОЦЕССЕ КРЕДИТОВАНИЯ ОТРАСЛЕЙ ЭКОНОМИКИ

Алиқориев О.Ф., к.э.н., доц., Высшая школа бизнеса и предпринимательства,
Абдурахманов Р.А., слушатель Высшей школы бизнеса и предпринимательства
Абдуллаев Ш.О., Сотрудник Министерства высшего образования, науки и инноваций

Аннотация. Анализ нормы невозврата кредитов в процессе кредитования отраслей экономики важен для финансовых институтов. Этот анализ играет важную роль в формировании кредитной политики, управлении рисками и обеспечении стабильности банковской системы. В этой статье будут рассмотрены факторы, влияющие на невозврат кредитов, методы их оценки и механизмы анализа. Также приведены рекомендации по снижению уровня невозврата кредитов в различных отраслях промышленности. Результаты исследования помогут финансовым организациям разработать эффективные стратегии кредитования.

Ключевые слова: Кредит, банк, расходы, платеж, финансы, проценты, страна, клиент, ставка, регион, риск, проблемные кредиты, кредитный портфель, убытки, мониторинг.

ANALYSIS OF THE RATE OF NON-RETURN OF CREDIT IN THE PROCESS OF LENDING TO SECTORS OF THE ECONOMY

Aliqoriev O.F., PhD., Assoc. Prof., Graduate School of Business and Entrepreneurship,
Abdurakhmanov R.A., student of the Graduate School of Business and Entrepreneurship
Abdullaev Sh.O., The specialist of the Ministry of Higher Education, Science and Innovations

Annotation. Analysis of the rate of non-return of loans in the process of lending to sectors of the economy is important for financial institutions. This analysis plays an important role in the formation of credit policies, risk management and ensuring the stability of the banking system. This article will look at the factors affecting credit non-return, methods of their assessment and mechanisms of analysis. Recommendations for reducing the default rate on loans in various industries are also provided. The results of the study will help financial organizations develop effective lending strategies.

Keywords: Credit, bank, expenses, payment, finance, interest, country, client, rate, Area, risk, problem loans, loan portfolio, losses, monitoring.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланиши шароитида тўлов қобилиятининг пастлиги, кўп жиҳатдан, бир қанча ишлаб чиқаришларнинг самарасизлиги туфайли вужудга келганлиги сабабли иқтисодий тармоқларидаги вазиятни принципиаль яхшилашнинг шартларидан бири бўлиб ундаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўлиб, бунинг натижасида талабга эга бўлмаган маҳсулот ва бозорий келажакка эга бўлмаган корхона бозордан чиқиб кетиши лозим. Одатда, бозорий келажакка эга бўлмаган корхоналар тўловсизликлар занжирида бошланувчи ҳисобланади ёки улар ўз маҳсулотларининг баҳоларини ошириб, истеъмолчиларда моддий харажатлар қўшимча ўсишининг омили бўлиб хизмат қилади.

Тўлов айланмасига хос бўлган муаммолардан бири бу тўловсизликлар муаммоси эканлиги кўриниб турибди. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширилиши иқтисодиётнинг реал секторига эътиборни кучайтиришнинг зарур эканлигини яна бир бор кўрсатапти. Айни вақтда “банк корхона”нинг ўзаро таъсирчанлигини фаоллаштиришда бир неча омиллар тўсик ролини ўйнамоқда.

Хусусан, тижорат банки учун кредит фоизининг юқори даражада эканлиги, кўп жиҳатдан, доимий бўлиб қолаётган тўловсизликлар билан белгиланмоқда. Банкдан кредит олган корхона, қиёсий жиҳатдан барқарор молиявий аҳволга эга бўлса-да, ўзининг интизомсиз ҳамкорлари туфайли тўловсизликлар занжирига тортилиб қолиши ва бунинг натижасида эса, банкка кредитни қайтариш ва унга фоиз тўлаш имконига эга бўлмасдан қолиши мумкин. Тўлов айланмасининг муаммолари, энг аввало, уни амалга ошириш ҳозирги амалиётининг замонавий бозор иқтисодиёти талабларига етарли даражада жавоб бераолмаётганлиги билан белгиланишини кўрсатди ва уларнинг, асосан, қуйидагилардан иборат эканлигини аниқлаш имконини берди:

- тўлов айланмасининг етарли даражада барқарорлик касб этмаётганлиги;
- тўлов нисбатларининг бузилишига йўл қўйилаётганлиги;
- тўловларнинг иқтисодий асосларидан чекиниш ҳолларининг содир бўлаётганлиги;
- тўловсизликларнинг даражаси, айрим саналарда, юқори кўринишга эга бўлаётганлиги;
- амалиётда тўлов айланмасининг ролига етарли даражада баҳо берилмаётганлиги;
- тўлов айланмаси корхона ва ташкилотларни кредитлашнинг асосий субъекти сифатида фойдаланилмаётганлиги оқибатида тижорат банкларининг кредит рисклари, кўп жиҳатдан, ана шунга боғлиқ бўлиб қолаётганлиги;

- тўловсизликнинг асосий сабабларини ва хўжаликдаги эскириб қолган муддати ўтган кредиторлик қарзларининг реструктуризация қилиш масалаларини аниқлаш ўзининг ечимини талаб қилаётганлиги;

- мамлакатимизда монетизация коэффицентининг амалдаги даражасини халқаро амалиётда қабул қилинган андозавий даражага (камида 40%) нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш жараёнида кредитларнинг қайтмаслик даражасини таҳлил қилиш ва бу ҳолатнинг асосий сабабларини аниқлашдан иборат. Шунингдек, кредитлаш жараёнини янада самарали қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Кредитлаш жараёнида кредитларнинг қайтмаслик даражасини аниқлаш учун статистик маълумотлар асосида таҳлил ўтказилди, кредит қайтмаслик даражасининг турли тармоқлардаги фарқларини аниқланди.

Адабиётлар шарҳи

В.Усоскин (1994) ўзининг “Замонавий тижорат банки: операциялари ва бошқариш” номли монографиясида тижорат банклари кредитлаш амалиётининг асосий жиҳатларини тадқиқ қилган. У тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, бир қатор илмий хулосаларни шакллантирган. Ана шундай муҳим хулосалардан бири миқдори банк томонидан кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш орқали кредит риси даражасини сезиларли даражада пасайтириш мумкинлигидир. Унинг фикрига кўра, кредит линияси орқали миқдори кредитлашда компенсацион қолдиқдан фойдаланиш орқали миқдори нисбатан паст фоиз ставкасида кредитлаш мумкин. Бу эса, кредит рисини камайишига, кредитни қайтиш эҳтимолини ошишига олиб келади.

Тижорат банкларида рисларни бошқаришда асосан П.С.Роуз (2015) томонидан таклиф қилинган 6 турдаги риск бўйича амалга оширилади. Ушбу риск турлари ичида кредит риси ўз-ўзидан бошқа турдаги рисларни келтириб чиқаради. Шу сабабли кредит риси тижорат банкларида энг катта риси ҳисобланиб, тижорат банклари уни бошқаришга катта эътибор қаратишади.

Муаммоли кредитлар банк секторида учраш мумкин бўлган энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада кўплаб тадқиқотлар ва илмий ишлар олиб борилган. Жумладан, Smith ва Jones (2015) ўзларининг тадқиқотларида муаммоли кредитларни олдини олишда банк ходимларининг малакасининг муҳимлигини таъкидлашади. Улар, ходимларнинг молиявий таҳлил қобилиятларини ошириш орқали кредит бериш жараёнининг сифатини яхшилаш мумкинлигини кўрсатиб беришган.

Бундан ташқари, Brown ва бошқ. (2018) ўз ишларида муаммоли кредитлар бўйича мониторинг ва назорат тизимларининг аҳамиятига тўхталиб ўтадилар. Улар, замонавий технологиялар ёрдамида кредит портфели ҳолатини доимий кузатиб бориш орқали банкларда муаммоли кредитларни олдини олишни тақозо этмоқда.

Лее ва Нгуен (2019) эса кредит таҳдидларини бошқаришда сунъий интеллект ва катта маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қиладилар. Улар, бу технологиялар ёрдамида банклар кредит қарздорларининг хавф даражасини аниқроқ баҳолай олишлари ва шу тариқа муаммоли кредитларни камайтиришда самарали натижаларга эришишлари мумкинлигини исботлашган.

Д.Полфреман, Ф.Фордлар (1996) муаллифлигидаги “Основи банковского дело” китобида мижознинг кредит йиғма жилдини ўрганишга эътиборни кучайтириш кредитлаш амалиётини самарали ташкил этишнинг муҳим омили сифатида қаралган.

А.Миан ва А.Сафи (2013) томонидан ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, уй хўжаликларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятлари фирмаларникига қараганда сезиларли даражада чеклангандир. Бу эса, сув хўжаликларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади.

Ж. Исаковнинг (2016) хулосасига кўра, тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасига ажратилаётган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасининг ўртача бир фоизга ошиши берилган кредитлар даромадлилигини 0,8 фоизга ошишига, берилаётган кредитлар ҳажмини бир фоизга ошиши кредитлар даромадлилик даражасини 1,8 фоизга камайишига олиб келади.

Ф.Холмаматовнинг (2019) тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилган ва қуйидаги хулосани шакллантирган: тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш учун кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш методикасини такомиллаштириш мақсадида кредитларнинг сифатини реал баҳолаш ва уларга захира ташкил этиш бўйича қуйидаги мезонлар таклиф этилган: субстандарт кредитлар бўйича 1 фоиздан 10 фоизгача; қониқарсиз кредитлар бўйича 11 фоиздан 25 фоизгача; шубҳали кредитлар бўйича 26 фоиздан 50 фоизгача; умидсиз кредитлар бўйича 100 фоизгача.

Таҳлил ва натижалар

Амалиётда банклар томонидан ўз мижозларини кредитлаш ҳамиша самарали натижалар билан якулланавермайди. Айрим ҳолларда корхонанинг ўз бизнес-режаларининг номукамал ишлаб чиқишлари ва фаолиятини мақсадли амалга оширилмаганликлари, шунингдек, бошқа ҳар хил сабаблар оқибатида банклар томонидан тақдим этилган кредитларнинг вақтида ундирилиш муаммоси юзага келади. Албатта, муаммоли активлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва уларни вужудга келтиришнинг ўзига хос омиллари мавжуд бўлади.

Муаммоли активларни келтириб чиқарадиган омилларнинг белгилари, кредитнинг мўлжалланган мақсадлари бўйича ишлатилмаслиги, шартнома, бизнес режа, техник-иқтисодий асослаш ва бошқа кредит ҳужжатларида кўрсатилган ишларнинг амалга ошмаслиги, қарз олувчининг молиявий иқтисодий аҳолининг ёмонлашиш тенденцияси ва бошқалар бўлиши мумкин.

Кредит мониторингини доимий равишда олиб борилмаслиги натижасида кредитнинг асосий қарзи ва унинг фоизини қайтариш борасида узилишларга олиб келмоқда. Муаммоли активлар бирданига содир бўлмасдан унинг элементлари кредитлаш жараёнида аста-секин юзага кела бошлайди. Муаммоли активларнинг доимий мониторинг олиб борилмаслиги натижасида ҳам содир бўлади.

Мониторинг жараёнида қарздорнинг бухгалтерия ҳисоботларида молиявий камчиликлар аниқлангандан сўнг, банк ходими албатта корхонага ташриф буюриши (мижоз офисига) керак. Кредитдан унумли фойдаланиш жойларда, корхона ва ташкилотларда, қоида тариқасида, ҳар чорақда текширилиши керак. Кредитлаш жараёнида йўл қўйилган хато банк кредит сиёсатининг нотўғри тузилганлигидан далолат беради.

Муаммоли актив асосан кредит портфели таркибидаги кредитларнинг фоизлари билан қайтаришда имтиёзли даврнинг кўп берилишида кузатилмоқда. Шунингдек кредит мониторингида доимий назоратнинг олиб борилмаслиги ва унинг натижасида кредит ва унга

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-1

тўланадиган фоизларни вақтида тўланмаслиги, охир оқибатда мижознинг кредиторлик юкини ошиб кетиши ва уни тўлаш бўйича молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда.

Таҳлил натижаларига асосланиб банкларда кредит амалиётлари самарадорлигининг пасайиб бориши қуйидаги ҳолатлар таъсири натижаси деган фикрга келдик:

1. Мижозларнинг тармоқ хусусиятига қараб кредитлашнинг шакл ва усулларини татбиқ этишда, шунингдек, қарздорнинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлашда банк ходимининг малака ва тажрибасининг етишмаслиги.

2. Банк кредит қўмиталари қарорлари сифатининг пастлиги.

3. Кредитлашнинг таъминланганлик тамойилини амалга оширишда ходимларда малака ва тажрибаларининг етишмаслиги.

4. Кредит муносабатларида мижоз манфаатларига раҳна солувчи шартнома шартларининг амалиётга татбиқ этилаётганлиги.

5. Қарздор устидан етарлича мониторинг ўрнатилмаганлиги.

6. Кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашга доир миллий қонунчилик ҳужжатлари қоидаларини такомиллаштиришнинг зарурлиги.

1-жадвал

Муаммоли активларни келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар

№	Таъсир этувчи омиллар	Даражаси (%)
Ички омиллар		67 %
1	Таъминот етишмаслиги	22 %
2	Ссуда буюртмасини ўрганишда ахборотни нотўғри баҳолаш	21 %
3	Операция назоратининг заифлиги ҳамда дастлабки огоҳлантирувчи белгиларни ўз вақтида аниқланмаслик ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрмаслик	18 %
4	Гаров таъминоти сифатининг пастлиги	5 %
5	Шартномада кўрсатилган таъминотни олиш имконияти йўқлиги	1 %
Ташқи омиллар		33 %
6	Компаниянинг банкрот бўлиши	12 %
7	Кредиторларнинг қарзларини қайтаришни талаб қилиши	11 %
8	Компаниянинг бозорда ўз ўрнини йўқотиши ва ички ижтимоий муаммолар	6 %
9	Ўғирлик, муттаҳамлик	4 %

Манба: Тоғаев, С., Очилова, И., & Аманов, А. (2023). Тижорат банкларида муаммоли активларнинг юзага келиш сабаблари ва уларга таъсир этувчи омиллар. Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил, 1(6), 80–85. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss6-pp80-85>

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-1

Пул маблағларини кредит сифатида беришда, юқорида таъкидлаганимиздек, куйидаги шартларга роя қилиниши талаб этилади: муддатлилик; тўловлилик; қайтаришлик; таъминланганлик ва мақсадлилик. Табиийки, мазкур шартларни тўлиқ бажарилиши берилган кредит бўйича рискнинг ошишига йўл қўймайди. Кредитнинг мақсадлилиги унинг мижоз фаолиятининг банкка маълум бўлган ва банк томонидан маъқулланган йўналишга берилишини англатади.

Тижорат банки кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги кредит риси даражасининг юқори бўлишига сабаб бўлади. Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг кредит портфелини мижозларнинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилиш кенг қўлланилади.

Масалан Ипотекабанк кредит портфелининг 55 фоиздан ортиқ қисми саноат корхоналарига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келиши кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлигидан далолат беради. Чунки, халқаро банк амалиётида қабул қилинган қоидага кўра, тижорат банкининг битта тармоқ ёки соҳага берган кредитлари унинг кредит портфелининг 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

Шунингдек, моддий-техника таъминоти, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация тармоқларига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғини жуда кичиклиги кузатилди.

Хизматлар соҳасига берилган кредитларнинг тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ва унинг динамикасини ўрганиш хизматлар соҳасини ривожлантиришда банкларнинг кредитлари қандай роль ўйнаётганлигини баҳолаш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори 254 277,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятлидир.

2-жадвал

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар млрд. сўм

Сана	Жами	шундан:						
		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Савдо ва умумий овқатланиш	Транспорт ва коммуникация	Жисмоний шахслар	Бошқалар
2020 йил	127 207,5	41 603,0	18 772,2	4 939,5	18 262,1	4 366,4	28 466,6	10 797,8
2021 йил	166 673,5	51 335,6	21 133,2	6 745,4	26 849,6	6 309,6	40 520,9	13 779,3
2022 йил	203 126,6	60 198,7	15 963,9	7 828,5	30 303,7	7 217,8	65 288,5	16 325,5

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-1

2023 йил	251 401,5	66 913,9	14 602,5	6 826,8	30 511,1	9 594,3	100 234,8	22 718,1
2024 йил	254 277,6	64 975,1	18 972,2	7 270,7	33 585,3	6 300,4	93 410,5	29 763,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетень маълумотлари асосида шакллантирилди.

Кредит йўқотишларига таъсир этувчи турли ҳил омиллар таъсир кўрсатиб, уларни умумий қилиб, ички ва ташқи омилларга гуруҳлаш мумкин. Адабиётларда кўрсатилитшича, ички омиллар 67%ни, ташқи омиллар эса 33%ни ташкил этмоқда. Ички ва ташқи омилларнинг ҳар бирини алоҳида моддалари бўлиб, уларнинг кредит қайтмаслигида турли миқдорда таъсир этади.

Масалан ички омиллар ичида таъминот етишмаслиги 22%ни, кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш 21%ни, миждоз фаолиятини яхши ўрганилмаслиги 18%ни ташкил этади. Таъминотнинг ёмонлиги ҳам банкнинг кредит йўқотишларига таъсир этувчи омил бўлиб, улар ички омилларнинг 5%ини эгаллайди. Кредит йўқотишларига таъсир этувчи ташқи омилларга компаниянинг банкротлиги, кредиторлар ҳақларининг талаб қилишлари, оилавий муаммолар ва таъмагирлик ва бошқа омиллар кириб, кўпроқ улушни корхона банкротлиги (12%), ва кредиторлар ҳақларининг талаб қилишлари (10%) ташкил этади.

3-жадвал

Тижорат банклари кредитлари қолдиғи млрд. сўм

Сана	Жами	шундан:								
		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурил иш соҳаси	Савдо ва умумий хизмат	Транспорт ва коммуникация	Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	Уй-жой коммунал хизмати	Жисмоний шахслар	Бошқа соҳалар
2020 й.	270 716,5	99 434,4	27 482,6	7 333,0	19 307,3	26 362,2	3 977,7	3 722,4	54 080,3	29 016,4
2021 й.	320 812,5	115 031,7	34 903,4	9 445,7	27 067,9	28 392,1	3 874,7	3 137,7	68 124,7	30 834,4
2022 й.	382 078,1	126 471,7	40 372,3	10 100,8	29 122,2	28 449,9	3 809,6	1 835,3	97 698,5	44 217,7
2023 й.	465 493,4	137 150,0	47 290,5	12 529,9	31 589,9	33 819,2	3 739,5	1 787,7	146 708,9	50 877,8
2024 й.	525 886,5	150 145,8	50 886,8	13 377,9	37 138,0	33 598,7	3 746,9	2 261,0	175 350,4	59 381,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетень маълумотлари асосида шакллантирилди.

Кредит таъминотини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

1. Банкларда мижозларининг асосий қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, банкларда мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий коэффицентлар тизимидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

2. Кредитларни суғурталаш. Кредитни суғурталаш унинг қайтмаслик рискинни тўлиқ суғурта билан шуғулланувчи ташкилот зиммасига юкланишини кўзда тутуди. Суғурталаш билан боғлиқ барча харажатлар кредит олувчилар томонидан тўланади.

3. Етарли таъминотни йўлга қўйиш. Бундай метод банкка берилган сумманинг қайтишини ва фоиз олиншини кафолатлайди. Кредит таъминоти турларига мулк гарови, кафиллик, кафолат кабилар киради. Кредит рискидан ҳимоя қилишда асосий эътибор зарарларни қоплаш учун мўлжалланган етарли таъминотни жалб қилинишига эмас, балки ушбу зарарларга йўл қўймаслик учун қарздорнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишга қаратилади. Чунки инвестиция лойиҳаси учун маблағлар кредит келишувига мувофиқ қайтарилишини ҳисобга олиб берилади.

4. Тижорат банклари томонидан микрокредитлар беришда асосий эътиборни кредит олувчиларнинг пул оқимини баҳолашга ва тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган учинчи шахсларнинг кафиллигини таъминот сифатида олишга қаратиш лозим. Учинчи шахс даромад манбаини йўқотган шароитда микрокредитни қайтариш давлатнинг Кредит кафолати фонди маблағлари ҳисобидан қайтарилиши лозим. Акс ҳолда, тижорат банкларининг микрокредитлаш амалиётидаги кредит рискиннинг даражаси сезиларли даражада ошиб кетиши мумкин.

5. Банк томонидан кредитни қайтмаслик ҳатарини суғурта қилиш шarti билан кредит бераётганда суғурта ташкилотининг молиявий жиҳатдан барқарор эканлигини эътиборга олиш ғоят катта аҳамиятга эга.

6. Банк кредит таъминоти устидан мониторинг ўрнатишни таъминот ҳатарини олдини олишнинг энг биринчи шarti деб қараш лозим. Чунки ҳар қандай тажрибали банк ходимлари билан ишламанмасин, улар томонидан мониторинг ишлари олиб борилмас экан таъминот ҳатарини камайтириш мумкин эмас.

4-жадвал

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) млрд. сўм

Сана	Кредитлар			Муаммоли кредитлар (НПЛ)			Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, фоизда		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		давлат улуши мавжуд банклар	бошқа банклар		давлат улуши мавжуд банклар	бошқа банклар		давлат улуши мавжуд банклар	бошқа банклар
2020 й.	270 716,5	239 120,2	31 596,2	6 518,2	5 893,4	624,8	2,4	2,5	2,0
2021 й.	320 812,5	275 757,2	45 055,3	18 392,1	16 117,8	2 274,2	5,7	5,8	5,0
2022 й.	382 078,1	318 787,9	63 290,1	15 344,1	13 828,4	1 515,7	4,0	4,3	2,4

2023 й.	465 493,4	331 070,3	134 423,1	17 631,4	13 750,0	3 881,4	3,8	4,2	2,9
2024 й.	525 886,5	363 938,6	161 947,9	22 446,6	14 981,9	7 464,7	4,3	4,1	4,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетень маълумотлари асосида шакллантирилди.

Банк секторида муаммоли кредитлар билан боғлиқ муаммолар иқтисодиётнинг умумий барқарорлиги учун жиддий таҳдид солади. Шу сабабли, бу кредитларни бошқариш ва камайтириш банклар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва умумий молиявий тизимни мустаҳкамлашнинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада кўриб чиқилган стратегиялар ва ёндашувлар орқали банклар ўз кредит портфелини янада самарали бошқаришга ва муаммоли кредитлар сонини камайтиришга эришиши мумкин.

Банклар ушбу тадбирларни амалга ошириш орқали нафақат муаммоли кредитлар хавфини камайтиради, балки умумий молиявий барқарорликни таъминлайди ва иқтисодиётнинг ўсишига ҳисса қўшади. Шу билан бирга, бу жараёнлар мижозлар билан ишончли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида банк хизматларининг сифати ва самарадорлигини яхшилади. Шундай боис, муаммоли кредитларни бошқариш банклар учун фақат молиявий масала эмас, балки стратегик аҳамиятга эга бўлган кенг қўламли вазифадир.

Хулоса ва таклифлар

Бизнингча мамлакатимиз тижорат банкларида муаммоли кредитлар юзага келишини олдини олиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- банк мижознинг кредит сиёсати ва кредитлаш тамойиллари шартларига риоя этилишини назорат қилиши ҳамда кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, уларни таҳлил қилиши;

- кредит аризасини кўриб чиқилаётган даврда мижоз томонидан банкка тақдим этаётган ҳужжатлар тўпламининг тўлиқлигини ва уларнинг тўғрилигини текшириш ҳамда банкларга кредит учун келиб тушган ариза бўйича мижознинг характери, унинг молиявий аҳволига, бизнес ҳамкорлари орасидаги мавқеига ва ушбу соҳадаги тажрибасига асосий эътиборни қаратиш;

- корхонанинг мол-мулкни баҳолашда банкнинг ўзи ҳам мулкни мустақил е-баҳолаш тизимида баҳолаши лозим ҳамда кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни доимий равишда назорат қилиб бориш;

- кредит ажратилган даврдан бошлаб, мижознинг бизнес-режаси бўйича амалга ошираётган ишларини, маблағлар айланмасини доимий равишда назорат қилиб бориш;

- муаммоли кредитларни бошқаришнинг янги усуллари шакллантириш ва домой равишда амалиётда қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Brown, R., et al. (2018). Effective monitoring systems to reduce non-performing loans in banking institutions. *International Journal of Financial Studies*, 6(1), 22-35.

2. D.Polfreman, Filip Ford. (1996) Основы банковского дело.Пер с англ. - Москва: IFRA-M, -s.489-490.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-1

3. Isakov J.Ya. (2016) Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishda kredit samaradorligini oshirish. I.f.d. ilm. dar. ol.uch. taqd. et. diss. avtoref. – Toshkent, – B. 28.
4. Lee, D., & Nguyen, T. (2019). The role of artificial intelligence and big data in managing credit risks. *Financial Markets and Portfolio Management*, 33(4), 409-424
5. Mian A., Rao K., Sufi A. (2013) Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//*Quarterly Journal of Economics*. – 128(4). – pp. 1687 – 1726.
6. Smith, A., & Jones, M. (2015). Enhancing staff training to improve the quality of lending decisions. *Journal of Banking and Finance Management*, 27(2), 124-139.
7. Togayev, S., Ochilova, I., & Amanov, A. (2023). Tijorat banklarida muammoli aktivlarning yuzaga kelish sabablari va ularga ta'sir etuvchi omillar. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(6), 80–85. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss6-pp80-85>
8. Xolmamatov F.K. (2019) Tijorat banklarining kreditlash amaliyotini takomillashtirish. I.f.b.f.d. diss. avtoref. – Toshkent, – B. 25.
9. В.М. Усоскин (1994). Современный коммерческий банк: управление и операции. - Москва: VAZAR-FERRO, -с.189.
10. Роуз П.С. (2015) Банковский менеджмент. - М.: “Дело”, - 268 с.
11. Aliqoriev O.F. Conceptual foundations of Islamic banking. *International Journal of Economic Perspectives*, 16 (12), December 2022. 20-31 Retrieved from <https://ijeponline.org/index.php/journal/article/view/449>.
12. Aliqoriev O.F. Prospects for the Introduction of Islamic Finance in Uzbekistan. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*. 2023 Mar. 6 [cited 2023 Apr. 8]; 10:23-7. Available from: <https://americanjournal.org/index.php/ajbmeb/article/view/472>.
13. Aliqoriev O.F. Conceptual & Legal Framework of Islamic Finance. *Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research*. Volume 01, Issue 01, April 2023. IFSIJ JIF 7.995. <https://webofjournals.com>.
14. Aliqoriev O.F. Role of Islamic Development Bank Group in the Development of Islamic Banking in Uzbekistan. Volume 4, Issue 4 of *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions (RJAI)* April, 2023. <https://reserchjet.academiascience.org>.
15. Aliqoriev O.F. Experience of Introducing Islamic Banking of Foreign Countries. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*. Volume 19, August, 2023. www.ajird.journalspark.org.
16. Aliqoriev O.F. Problems and Prospects For The Development Of The Introduction of Islamic Banking In Uzbekistan. *Procedia of Theoretical and Applied Sciences*. Volume 11 | Sep 2023. ISSN: 2795-5621 Available: <http://procedia.online/index.php/applied/index>.
17. Aliqoriev O.F. The Importance of Basic Financial Instruments Used in Islamic Banking. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies Peer Reviewed International Journal*. Volume 23 (2023). ISSN: 2770-0003. <https://zienjournals.com/index.php/tjm/article/view/4351>.
18. Джалилов Д.А., Алиқориев О.Ф. Управление валютными рисками с использованием VAR анализа в коммерческих банках Узбекистана // *Journal of Uzbekistan's Development and Research (JUDR)*. <https://ijournal.uz/index.php/judr>.